

UDK: 635. 632. 937.

БОДРИНГ ЭКИНИДА ШИРАЛАРГА ҚАРШИ БИОЛОГИК УСУЛНИ ҚЎЛЛАШ

Утепбергенов Адилбай Реймбаевич, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Сатбаева Римма Сарсенбаевна, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти, ассистент

a.r.utepbergenov@mail.ru

Annotation: *The article provides information about the damage of aphids that harms cucumber crops in the conditions of Karakalpakstan. Based on the development of pest control measures and the results of research, the characteristics of the bioecological development of alfalfa aphids are studied, and the types and biological effectiveness of parasiting and predatory beneficial insects are highlighted.*

Key words: *agrobiocenosis, station, sucking, entomophagus, predator, imago, egg, worm, criteria of the quantity of economic damage (CQED).*

Кириш. Республикамиз шароитида сабзавот экинлари, айниқса бодринг ва карам экинлари полиз ва шираларининг ёппасига ривожланишига қулай бўлиб, май-июн ва август-октябр ойларида ўсимликнинг униб чиқган давридан бошлаб ҳосилни йиғиб олиш давригача зараркунанданинг ривожланиб, ўсимликка катта зарар келтириши Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти олимлари томонидан аниқланган [3]. Қорақалпоғистон шароитида бодринг стациясида ширалар билан бирга уларнинг йиртқич энтомофаглариининг фаоллиги туғрисида илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, улар ҳақида илмий маълумотлар берилган [1].

Бодринг экинида шира турларига қарши асосан кимёвий кураш тадбирлари олиб борилиб, айрим далаларда кутилган самарадорликни бермаётганлиги

аниқланмоқда. Сабаби поли ва беда ширалари ҳаво ҳароратига қараб 3-20 кун ривожланади ва мавсум давомида 12-15 бўғин бериб авлодини янгилаб боради [2].

Шу сабабдан сабзавот экинларида учрайдиган полиз ва беда шираларининг зарарини ва уларга қарши биологик кураш усулларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқот ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ҳудудидаги Юсуп-Ахмад фермер хўжалигининг бодринг экилган далаларида олиб борилди.

Май ойининг бошида бодринг экилган далаларнинг атрофидаги бегона ўтлардан янтоқ ва ширинмияда беда шираси, ажриқ билан сув ўтида беда ширасининг тўшганлиги ҳисобга олинди. Зараркунандалар сони ўртача бир ўсимликда 246 - 452 донага кўпайди ва май ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб даладаги экинларга зараркунанданинг қанотли тарқатувчилари учиб ўтиб, тирик туғилган авлодларини тарқата бошлади. Бу даврда бодрингда ўртача бир ўсимликда 1-2 дона беда ширасининг етук зоти ва 3-5 донадан янги туғилган личинкалари ҳисобга олинди. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигида бодрингнинг 2-3 чинбарг чиқарган даврида зараркунанданинг сони ўртача бир зарарланган ўсимликда 26-38 донага етди.

Дала шароитида полиз ва беда шираларининг биологик ривожланиши кўзатилиб, зараркунанда сони кўпайган далада уларга биологик қарши кураш тадбирларини ўтказиб, самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ширалар тушган ўсимликларга энтомологик садоклар ўрнатиб, уларнинг ривожланиш динамикаси ҳисобга олиб борилди.

Ўтказилган тажрибамизда беда ширасининг сони 40 донага кўпайганида уларга қарши 2 донадан олтинкўзнинг етук зоти, тухуми ва қуртлари аълоҳида энтомологик садокларда қўлланилиб, биологик самарадорлиги аниқланди. Тажриба натижалари шуни тақоза этадики, энтомофагнинг етук зоти қўлланилганда далага тарқатилганидан кейинги кунда тухум қўйиб бошлади, тухумларидан 4 кундан кейин қуртлари чикди ва ширалар билан озиқланишга

киришди. Лекин бу даврда 10 дона ширадан кўпайган ширалар сони 42 дона бўлиб, энтомофаг 14 чи кунга келиб ширалар сонини камайтириб бошлади ва 21 кундан кейин 20 фоиз ширани йўқ қилди.

Беда ширасига қарши энтомофагнинг тухумини қўллаганда 14 кундан кейин 20 фоиз ва 21 кундан кейин 40 фоизга биологик самарадорликка эришилди. Энтомофагнинг қуртини қўллаганда, улар баргларга тушганидан бошлаб ширалар билан озиқлана бошлади ва 5:1 ҳисобидан 10 ширага 2 та қуртини қўллаганда 14 кун, 10:1 ҳисобидан қўллаганда 21 кундан кейин 100 фоиз зараркунандани йўқ қилди. Кейинги вариантда (15:1 схемасида) энтомофагнинг самарадорлиги пасайиб борди.

Бундан кўриниб турибдики, энтомологик садокларда ўсимлик беда ширасига қарши олтинкўзни қуртлик даврида қўллаш юқори самара бериб, даладаги зараркунандалар сонининг тез камайиши кузатилди.

Хулоса

1. Қорақалпоғистон шароитида бодринг экинига беда шираси устун тур ҳисобланади.
2. Дала атрофидаги бегона ўтларда қишлоvdан чиққан беда шираси сони 246 - 452 донага кўпаяди.
3. Табиий шароитта шираларнинг колонияларида хон қизи, олтинкўз, сирфид пашшаси, йиртқич кана каби йиртқичлар билан афидиид паразити учрайди.
4. Олтинкўзни қурт даврида энтомологик садокларда шираларга қарши 5:1 ва 10:1 ҳисобидан қўллаш юқори самара беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Торениязов Е.Ш. Зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш ўтказишнинг илмий асослари.-Нукус: Билим, 2014.-Б.89-98.

2. Утепбергенов А.Р., Турсынбаева Н. Шырынжалардың раўажланыў биоэкологиясы.-ТашМАУ Нөкис филиалы конференция материаллары.-Нөкис, 2010.-Б.28.

3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари.-Тошкент: Навруз, 2015.-Б.110-115.

1-ilova

Anjuman ishtirokchisi talabnomasi (2024-yil 1-oktyabrgan dan kechiktirmay to'ldirilib, tashkiliy qo'mitaga elektron pochta orqali yuborilishi kerak)

F.I.O.	Utepbergenov A.R.
Lavozimi	O'simliklar himoyasi va karantin kafedrasi docenti
Ilmiy unvoni	Qishloq xo'jaligi fanlari nomzodi
Ilmiy darajasi	Docent
Ilmiy muassasa	Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti
Pochta manzili, indeks bilan	
Telefon	95-318-61-61
e-mail	a.r.utepbergenov@mail.ru
Siz ma'ruza bilan chiqish qilmoqchimisiz? (keraklisini qoldiring)	Ha (onlayn)
B'lim nomi	2-sho'ba. Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda zararli organizmlarga qarshi kurashning ilmiy asoslari

Ma'ruza/tezis nomi	Bodring ekinida shiralarga qarshi biologik usulni qo'llash
Mualliflar	Utepbergenov A.R., Satbaeva R.S.
Mehmonxonaga ehtiyoj	Y o'q